O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI O'ZBEKISTON

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 11-avgust • Shanba • 95 (27.740) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ:

ЙИРИК, ТАРИХИЙ, ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

УНИНГ ҚУРИЛИШИ ОСОН КЕЧГАНИ ЙЎҚ...

Кальцийлаштирилган сода асосан оғир ва енгил, химия, ҳамда озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади. Хусусан ойна, фарфор (чинни), қоғоз, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, шунингдек, нефть, газ, химия, оғир металлургия саноатида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бутун дунёда мазкур маҳсулот — калъцийлаштирилган содага талаб кучли.

Дунё бозорида унинг аксарият қисмини АҚШ ва Хитой Халқ Республикаси ишлаб чиқаради. Жаҳонда ана шундай 14 та завод бор. Жумладан, Россия федерациясида — 2 та, Украинада — 1 та...

ЭҲТИЁЖ. Ўзбекистон кальцийлаштирилган соданинг ҳар тоннасини илгари четдан каттагина миқдорда валюта эвазига оларди... Истиқлол йилларига келиб мамлакатда қоғоз, химия, металлургия, нефть, газ ва бошқа саноат корхоналари тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Республика раҳбарияти ўз сода заводимиз бўлиши йўлларини излашга киришди. Бунга Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт кенгликларида, Қоратоғ ёнбағирларида имконият борлиги аниқланди ва пировардида, корхонани бунёд этиш учун Устюрт кенгликлари танланди.

Бу ерда кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш учун асосий хомашё — туз («Борса келмас» оралиғида), табиий газ хомашёлари ва захираси бир неча юз йилларга етгулик «Қоратоғ», «Жамансой» оҳак тоши конлари борлиги қўл келди. Аммиак Қорақалпоғистонга яқин ҳудуд — «Навоийазот» заводидан олинадиган бўлди. Шу билан бирга минтақадаги мавжуд яна бир қатор оҳак тош, бўр, гипс, мергель ва бошқа фойдали қазилмалардан фойдаланиш лойиҳалари ҳам яратилди. Хорижлик ҳамкорлар Устюртда нефть, газ, газ конденсати ва бошқа қазилма бойликларни қайта ишловчи заводлар қуриш бўйича асосли тавсиялар беришди...

МОҲИЯТ. Завод ва қурилажак бошқа корхоналар келгусида Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиши, халқ турмуш шароити яхшиланиши, республикада саноат мажмуаси кенгайиши ва аҳолини иш билан таъминлашга яхши имкон беради, деган хулосага келинди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан завод қурилишини бошлашга азму қарор қилинди...

2-бет



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейнни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан ЮНЕСКО ўртасидаги икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришдаги катта хизматлари, ўзбек халқининг бой маданий, маънавий ва тарихий меросини кенг халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилгани, шунингдек, таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 9 август

Ўзбекистон — ЮНЕСКО:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 август куни Оқсаройда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини, бунда 1996 йилдан буён мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган Майкл Барри Лейннинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини таъкидлади.

— Биз ЮНЕСКО билан изчил ривожланаётган ҳамкорликни, ушбу ташкилот Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келаётганини юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган 1996 йилда очилган. Ўша йили Президент Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳига ташриф буюриб, Амир Темур юбилейи билан боғлиқ тадбирларда, жумладан, «Темурийлар даврида фан ва маданият тараққиёти» деб номланган халқаро кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг Ибн Сино номидаги ҳамда «Боробудур» олтин медаллари билан тақдирланган.

1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси Ўзбекистонда ўтказилди. Унда «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатларидаги фаолияти» мавзуидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимизнинг, Бухоро, Хива, Термиз ва Қарши сингари қадим шаҳарларимизнинг, «Алпомиш», «Авесто» каби бебаҳо қадриятларимизнинг ва Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда ЮНЕСКО шафеълигида қатор халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. «Маданият соҳасидаги сармоя», «Банк соҳасига ва бизнесга янги технологиялар жорий қилиш», «Самарқанднинг мовий сопол буюмлари», «Сўфийлик ва динлараро мулоқот» мавзуидаги симпозиум ва форумлар, таълим соҳасида бюджетни режалаштириш, Орол-ни қутқариш каби масалаларга бағишланган анжуманлар шулар жумласидандир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик хорижда ўзбек маданиятини тарғиб қилиш имконини бермоқда. Бунга Самарқандда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига келаётган қатнашчилар жуғрофияси тобора кенгайиб бораётгани ҳам ёрқин мисолдир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда маданий мерос дурдоналарини, жумладан, «Шашмақом»ни, гиламдўзлик ва кулолчиликни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказишга, бу йўналишларда тегишли соҳа мутахассисларининг малакасини оширишга қаратилган ўнга яқин лойиҳа амалга оширилди.

Мамлакатимизда қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, буюк аждодлар меросини ўрганиш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолаш, қадимий маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун Майкл Барри Лейнга Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени топширди.

М.Барри Лейн юксак эътибор, Ўзбекистонда ишлаган вақтида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳар томонлама ривож топганига, мамлакатимиз ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиб келганини таъкидлади. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, бой таассуротлар билан қайтаётганини, бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшажагини алоҳида қайд этди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 24 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси муҳокамасига «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисида Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг 2005–2007 йилларидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳам тингланди.

Кенгаш Олий Мажлис Сенатига маъқуллаш учун киритилган қонунлар юзасидан мазкур Қўмита томонидан ҳисобот даврида йигирма тўртта хулоса тайёрланганлигини қайд этди. Бу қонунларнинг ўн иккитаси давлатимиз жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган икки томонлама ва кўп томонлама битим ҳамда шартномаларни ратификация қилиш билан боғлиқ бўлиб, улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ташкилотига қўшилиши ва Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги, шунингдек, интеграция жараёнларини жадаллаштириш ва минтақамизда хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар ратификациясига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари алоҳида ўрин тутади. Яна еттита қонун Ўзбекистоннинг халқаро майдонда давлатимиз манфаатларини илгари суришга йўналтирилган турли халқаро шартнома ва битимларга қўшилишига бевосита дахлдордир. Халқ депутатлари Сурхондарё, Андижон ва Самарқанд вилоят Кенгашлари билан биргаликда ўтказилган сайёр мажлисларда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги БМТ Конвенциясининг ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ Сенат томонидан ишлаб чиқилган бир туркум тадбирлар амалга оширилди.

Қўмита учта йирик илмий анжуман, тўртта давра суҳбати, бешта семинар ва семинар-тренинг ҳамда жойлардаги сайловчилар билан бир қатор учрашувлар ўтказди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

АНЖУМАННИНГ ИЛК МЕҲМОНЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан шу йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияга ўттиздан ортиқ мамлакатдан вакиллар келиши кутилмоқда. Мазкур йирик халқаро анжуманнинг илк меҳмонлари — Япония вакиллари 10 август куни Тошкентга етиб келди.

Уларнинг айримлари дастлабки таассуротларини баён қилди.



Японияннинг Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти ижрочи директори Тетцужи ТАНАКА:

— Шундай йирик халқаро анжуманда иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлайди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий обида ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тиклаш ва таъмирлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли хайрли ишлар таҳсинга лойиқдир. Икки ой аввал юртингизга келганимда Ҳазрати Имом мажмуини зиёрат қилган эдим. Қисқа фурсат ичида янгидан бунёд этилган ушбу мажмуа менда ниҳоятда катта таассурот қолдирди. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатингизда истиқлол йилларида миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасида қилинган бетимсол ишларнинг, ислом маданияти ривожига аждодларингиз қўшган улкан ҳиссанинг халқаро эътирофидир.

Токио жамғармасининг катта тадқиқотчиси, Яқин Шарқ ва ислом масалалари бўйича мутахассис Йошиаки САСАКИ:

— Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва ислом маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк сиймолари, қадимий меъморий ёдгорликлари, тарихий обидалари билан дунёга машҳур. Японияда ислом динига эътиқод

қилувчилар Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларни катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганадилар.

Япония Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Келгусида ўзаро алоқаларимиз барча соҳада янада равнақ топишига ишонаман.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

ҚАДР ТОПГАН ЭЗГУЛИК

Аввал хабар қилинганидек, куни кеча пойтахтимизда «Тошкент — Ислом маданияти пойтахти: эҳтиром ва эътироф» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан маънавият тарғиботчилари, олимлар, жамоат арбоблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Мазкур анжуманда истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида аждодларимиз бой маънавий меросини тиклаш, уларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ҳақида сўз борди. Шунингдек, нотиқлар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCOнинг Тошкентни 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори хусусида ҳам атрофлича мулоҳаза юритдилар. Қуйида ана шу тадбир қатнашчиларидан айримларининг фикрлари билан танишасиз.

Минҳожиддин МИРЗО, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари:

— Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой миллий ва диний қадриятларига кўрсатган эҳтиром ва эътиборимиз жаҳон миқёсида катта бир эътирофга сазовор бўлди. Тошкент шаҳри 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак номга муносиб кўрилди. Ва мазкур эътироф юзасидан Президент Ислом Каримовнинг «Туркистонпресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган «Ўзбек халқининг Ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» номли интервьюси эълон қилинди.

Яхши биламизки, бугун юртимизга келаётган меҳмонлар ҳам Истиқлол туфайли мамлакатимизда бўлаётган туб ўзгаришларни эътироф қилишмоқда. Бундай ютуқларга эришишимизга сабаб, бир томондан аждодларимизнинг улкан маънавий-руҳий меросига бўлган чексиз эҳтиромимиз бўлса, иккинчи томондан юртимиздаги табаррук зиёратгоҳларни қайта бунёд этишда бу ишларни алоҳида меҳр билан бажараётган халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, қудрат ва салоҳиятидир.

Ортиқбек ЮСУПОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи:

— Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда бу эътироф қанчалик ўринли эканлигини исботловчи мисоллар жуда кўп. Масалан, ислом дини дин сифатида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган бўлса-да, у фан, таълимот сифатида энг юқори чўққига чиққан жой, бу шубҳасиз, бизнинг юртимиздир. Шу билан бирга бугун таниқли дин пешволарининг ўзлари бир нарсага алоҳида урғу беришяптики, ислом динининг илдизи Арабистонда бўлса, у энг кўп самара берган жой Ўзбекистон замини эканини эътироф этишяпти.

14-15 август кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳри мамлакатимизда ўтказилиши кутилаётган «Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» номли халқаро конференцияга мезбонлик қилади. Бу анжуман муносабати билан бизга ўттиздан зиёд мамлакатлардан вакиллар иштирок этиши ҳақида ташрифномалар келди. Муҳими, келаётган меҳмонлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Мисол тариқасида бундан ўн беш кун аввал улар сони 50 дан зиёд бўлса, бугунги кунда юздан ошди. Мамлакатимизга бўлган яна бир ихлос, яна бир хоҳиш шундан иборатки, ўша меҳмонларнинг кўпчилиги оила аъзолари билан келиш истагини билдирмоқда. Бу билан нима демоқчиман? Бу мақом, бу унвон нафақат ҳукуматимиз ва халқимиз, балки бизга дўстона муносабатда бўлган юртлар томонидан ҳам жуда катта хурсандчилик, мамнуният билан қабул қилинди. Ва айтмоқчиманки, бу шарафли эътироф мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида мамлакатимизга берилган яна бир катта туҳфа, улуғ эҳтиром бўлди.

Усмонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий:

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим. Худойи таолога беҳад ҳамду саноолар бўлсинким, бизнинг юртимиз қандай гўзал, жаннатий юрт эканлигини мана бугун бутун дунё тан олиб турибди. Бундан қалбимиз ғурурга тўлади. Яна шукрона устига шукрона қилишимиз керакки, Аллоҳ таоло бизни шундай бир обод юртда дунёга келтирибди, шу юртимиз билан фахр қилишимиз керак.

Агар кечаги кун билан бугунги ҳаётимизни таққослайдиган бўлсак, фарқига ҳар ким ҳам етади. Ҳар жабҳадаги ўзгаришлар, халқимиздаги хурсандчилик, бунёдкорлик, ободончилик... Бугун биз буларга шукроналар айтиб, ўзимизнинг ҳар бир ишимиз билан Ватанимиз равнақига хизмат қилишимиз керак. Биргина мана шу диний идорамизни олайлик. Унинг бугунги қиёфасини ким ўйлабди, дейсиз. Худойи таолодан сўраймизки, юртимизни ҳаммавақт фаровон қилсин, шундай юксалишларни берсинки, биздан кейинги авлодлар биз қилган ишлар билан фахрланиб юрсинлар.

Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари:

— Алҳамдулиллоҳ, Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак мақомнинг берилиши бутун Ўзбекистон халқига фахр-ифтихор бағишлади. Олдин ҳам бир неча бор таъкидланганидек, бу юксак унвоннинг берилишига асосан иккита омил бор. Биринчиси — бу тарихий омил. Кўп асрлар давомида бизнинг юртимизда яшаб ўтган буюк аждодларимиз, алломалар ҳам дин, ҳам шариат, ҳам тариқат пешволари ҳисобланишган. Улар қолдирган бебаҳо илмий-адабий мерос, осори-атиқалар, меъморий ёдгорликлар, ҳаммасидан ҳам энг устуни бу халқимизнинг ахлоқ-одоби, исломий тарбияси.

Иккинчи омил шуки, Мустақиллик йилларида юртимизнинг йўқолиб кетаёзган обрў ва қадр-қимматининг қайтарилганлигидир. Лекин, алҳамдулиллоҳ, ўтган истибдод тузуми даврида ҳам халқимиз ҳар қанча тўсқинликларга қарамай қалбидаги иймон нурини йўқотмади. Истиқлол йилларининг бошидаёқ Юртбошимиз юритган мустақил давлат сиёсати халқимиз қалбидаги ана шу имон-эътиқодни қайта тиклади. Динга қарши барча тўсиқлар олиб ташланди. Мана шу кўпдан-кўп омиллар юртимизнинг шундай юксак унвонни олишига сабаб бўлди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ

ЙИРИК, ТАРИХИЙ, ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

УНИНГ ҚУРИЛИШИ ОСОН КЕЧГАНИ ЙЎҚ...

ИЗОҲ. Хорижда — Америка, Англия, Россия, Хитой каби иқтисодий ривожланган мамлакатларнигина қўлидан келадиган «бундай йирик заводни қуришга кечагина Мустақилликка эришиб, иқтисодий жиҳатдан энди-энди оёққа тураётган Ўзбекистон қандай журъат қилди экан?», «Наҳотки, ёш мустақил давлат шундай йирик корхонани қура олади?», дея шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди.

БИРИНЧИ ҚОЗИҚ. 1995 йилнинг боши. Ўзбекистон, Қорақалпоғистон раҳбарлари, мутахассислар, хорижлик шериклар, қурувчилар Қўнғирот тумани тасарруфидаги Устюрт кенглигида «Қўнғирот сода заводи» қурилишини бошлаш учун биринчи қозиқ қоқдилар. Республикада етук мутахассислардан бири — Марат Юсупов бошчилигида Қўнғирот сода заводи қурилиши бош дирекцияси, «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» трести негизида тажрибали қурувчи Мирзағали Байимбетов раҳбарлигида «Қўнғирот сода қурилиши» бошқармаси ташкил этилди...

КУТИЛМАГАН МУАММО ВА ЕЧИМ. Одатда йирик қурилиш ишлари бошланмасдан олдин объектга асфальт ва темир йўллар қурилиб, электр, газ, сув тармоқлари тортилади, қурувчилар учун ётоқхона ва бошқа турдаги шарт-шароитлар яратилади.

Бу ерда эса буларнинг биронтаси ҳам йўқ бўлса-да, бошида уй вагонлари келтирилиб, қурувчилар жойлаштирилди. Устюртнинг нам, совуқ шамоли вагон уйларни музхонага айлантирди. Қурувчилар уларнинг сиртидан ғишт билан ўраб чиқишсада, фойдаси бўлмади. Қийинчиликдан чиқиш йўллари изланди. Охири, аждодлардан мерос — ертўла қазишни маъқул топишди. Ерни чуқур қазишиб, ёндеворлари совуқ ўтказмайдиган қурилиш материаллари билан қопланди, сувоқ қилинди, печлар ўрнатилди. Натижада, иссиққина бошпана вужудга келди. Ертўлаларда ошхона, ётоқхона, кутубхона, идора ва бошқа маданий-маиший хоналар яратилди. Хуллас, кўзда тутилмаган муаммога ҳам ечим топилди...

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР. «...Қўнғиротдан 45 километрлик асфальт йўл солиниши... Газ, сув тармоқлари тортилиши... Тахиатошдан узатилган 110 киловаттлик юқори кучланишдаги (250 километр масофадан) электр қувватини объектларга пасайтириб тақсимлайдиган электр подстанцияси қуриш, «Борса келмас» туз конига электр энергияси етказиб бериш ва ҳоказо, ҳоказо...»

ҲАМКОРЛИК. Завод қурилишининг биринчи босқич ишлари Украинанинг Харьков шаҳридаги НИИОХИМ институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида олиб борилди. Ушбу лойиҳа бўйича завод анча катта бўлиб, йилига 400 минг тонна кальцийлаштирилган сода, 150 минг тонна каустик сода ва ош тузига асосланган қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариши мўжалланганди. Лойиҳадаги қурилиш-монтаж ишларига технологик жиҳозларни таъминлаш учун халқаро тендер танловида чет эллик шериклар 220-230 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сўращди. Ўзбекистон ҳукумати бундай гигант заводдан кўра аввалига ихчамгина завод қуришни лозим топди ва Вазирлар Маҳкамаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан биргаликда қайтадан халқаро даражадаги танлов ўтказди.

Бу галги танловда заводни қайта қуриш учун ишончли шерик сифатида Хитой Халқ Республикасининг «Ситик» компанияси лойиҳаси қабул қилинди. Компания кимё саноатида, айниқса, сода заводлари қуришда катта тажрибага эга бўлиб, унинг шартлари бизнинг шароитга мос тушди ва у билан асосан заводнинг технологик ускуналари, қурилиш-монтаж ва созлаш ишларини йўлга қўйиш, лойиҳаларни биргаликда тайёрлаш жараёнлари бўйича шартнома тузилди.

«Ўзкимёсаноатлойиҳа» институти янги лойиҳани қайта ишлаб чиқишни ва уни олдинги лойиҳага мослаштиришни ўз зиммасига олиб, Хитой Халқ Республикасининг «Ченду» провинциясидаги лойиҳалаш институти билан биргаликда иш юритди. Янги лойиҳа бўйича завод қуввати йилига 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришга мўлжалланди.

ЯНГИ ТАШВИШ. 2003 йилнинг бошига келиб қурилиш сифати бироз сусайди. Баъзи лойиҳалар вақтида тайёр бўлмади, ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмай қолди. Асосий маҳсулотни ишлаб чиқарувчи цехларнинг қурилиш ишларида белгиланган вазифалар бажарилмади... Объектларнинг коммуникациялари бўйича лойиҳалар ҳам вақтида етказиб берилмади... Бу ҳол Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ва «Ўзкимёсанот» раҳбариятини қайта ташвишга солди. Биринчи навбатда дирекцияга раҳбар топиш керак эди. Кўпдан-кўп танловлардан сўнг Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитасининг Нукус филиалини бошқарган ва «Оролсувқурилиш» акциядорлик жамияти бирлашмасига раҳбарлик қилиб келган тажрибали мутахассис Турабой Усаков 2003 йилнинг бошида завод қурилиши Бош дирекциясининг Бош директори этиб тайинланди...

Қурилишда яна жонланиш сезилиб, «Элобод» шаҳарчасига қурувчилар қайтиб кела бошлашди. Лекин энг мушкул масалалардан бири — металл конструкциялар учун қалин металл листлар, кабеллар топиш, кислота, оҳак, туз ва «аччиқ» буғ таъсирларига чидамли 8-9 мингтача ҳар хил русумдаги неча минг километр ҳажмда қувурлар келтириш, уларни бириктирувчи муфтилар, задвижкалар, электр насослари ва двигателларни МДҲ мамлакатларидаги 25-30 тача заводлардан йиғиш, бутлаш лозим эди...

— Ҳеч бир иш осон кечмади, — ҳикоя қилади Турабой Усаков. — Қаҳратон совуқ, ёз жазирамасида металл конструкциялардан таркиб топган баҳайбат печларнинг бетон колонкаларини тиклаш, монтаж қилиш қийин бўлди... Кутилмаганда оҳак тош қуйдирувчи печнинг бузилиши бизни минг ташвишга солди. Уни монтаж қилиш, 22-25 метр баландликка кўтариш, ичига Хитойда тайёрланган ғиштларни тахлаш осон бўлмади. Завод бундан анча илгари ишга тушиши керак эди. Аммо шерикларимизнинг технологик қоидаларга бироз эътибор қилмаганлиги ноқулай вазият туғдирди. Олдимиз қиш бўлгани учун қайта монтаж ишларини шерикларимиз ёзга қолдиришни таклиф қилишди. Ёзда Хитойдан қайтадан ғиштар олдирдик...

2005 йилнинг 13 апрелида Президентимиз томонидан «Қўнғирот сода заводи учун мутахассисларни мақсадли тайёрлашни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига кўра завод қошида Тошкент химия-технология институтининг махсус сиртқи бўлими очилди. Унинг ўқув биносини яқинда (май ойида) ташриф буюрган давлатимиз раҳбари кўриб юқори баҳо берди. Бу ерда ҳозир 200 дан кўпроқ талаба-ёшлар заводда ҳам ишлаб, ҳам ўқимоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу корхонада фаол меҳнат қилаётганлар орасида кўплаб ХДП аъзолари бор.

Энг муҳими, Қорақалпоғистон Республикаси тарихида илк бор халқаро аҳамиятга эга ва халқаро стандартларга тўла жавоб бера оладиган йирик замонавий корхона қуриб ишга туширилди.

ДАЛИЛЛАР, РАҚАМЛАР, ҚИЁСЛАР: завод ҳозир бир йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 240 тоннага етказиб, 80 фоиз қувват билан фаолият юритади. Тайёрланган соданинг 60 фоиздан кўпроғи ойна ишлаб чиқариш саноатида ишлатилади. Шу кунгача Ўзбекистон мазкур тармоққа асосий хомашё — 60-65 минг тонна кальцийлаштирилган содани Россиядан валютага сотиб оларди ва у 23,5 миллиард сўмни (18,5 миллион АҚШ доллари)ни ташкил этарди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»нинг ўтган олти ойида «Кварц» акциядорлик жамиятига 8,5 минг тонна, «Фармгласс» қўшма корхонасига 6 минг тонна, «Газалкент-ойна» қўшма корхонасига 2,0 минг тоннага яқин маҳсулот берилди. 7 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ҳам ошиғи билан адо этилиб, салкам 27 минг тонна маҳсулот тайёрланди...

●●●

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда Мустақиллик йилларининг аср қурилишлари сафидан мустаҳкам ўрин олган Қўнғирот сода заводининг қисқа муддатларда қуриб ишга туширилиши — республикамиз иқтисодиёти ривожи ва халқимиз фаровонлиги юксалишига ўзига хос яна бир кенг йўл очди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдулла ХАБИПОВ, «Еркин Қорақалпақстан» газетаси мухбири.



Бунёдкорлик — савобли касб

Бундан ўн бир йилча муқаддам Янгийўл шаҳрида фаолият бошлаган «ЭРТА» масъулияти чекланган жамият қурувчилари Янгийўл, Чиноз туманлари ва пойтахтимизнинг Сергели, Талабалар шаҳарчаларида қатор қурилиш объектларини тиклашга ҳисса қўшишди. Жумладан, Чиноздаги 15, 16-ўрта умумтаълим мактаблари, Янгийўлдаги «Кичкинтой» болалар уйи, Сергели ва Талабалар шаҳарчаларидаги кўп қаватли уй-жойлар... Уларнинг ҳаммасини тиклаш ва таъмирлаш ишларида жамоа бунёдкорлари фаол қатнащдилар.

— «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам кўплаб объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораяпмиз, — дейди жамият раҳбари Адҳам Алтаев. — Яқиндагина Чиноздаги «Йўлтушган» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ врачлик пунктини таъмирдан чиқардик. Олмазор қўрғонида жойлашган хусусий биолабараторияни қурилиш материаллари билан таъминладик... Ниятимиз — биз қураётган, таъмирлаётган ва қурилиш ашёлари етказиб бераётган иншоотлар халқимизнинг эртанги кунларига хизмат қилсин, деймиз...

Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ўз ўрни, қадри бор албатта. Аммо, қурувчилик — бунёдкорлик фақат эзгуликка, яхшиликка хизмат қилади. Бундай касб эгалари ўз меҳнатларидан ҳар қанча фахрланишса арзийди.

Ойгул РАЗЗОҚОВА.

Суратларда: «ЭРТА» МЧЖ жамоа аъзоларидан бир гуруҳи ва бунёдкорлар тиклаган биналардан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

☑ ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИ

ПАРТИЯ УЧУН МУҲИМ СИЁСИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА

Ўзбекистон ХДП вилоят, туман, шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти такомиллашиб, партия аъзолари ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ўзининг ижобий самарасини беряпти. Тушаётган ариза ва мурожаатлар ҳал этилишида ХДПдан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳомийлар, ҳамкор ташкилотларнинг ёрдами муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқ ишончини қозониш, уларга янада яқин бўлишда ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши олиб бораётган ишлар, Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти ҳақида вилоят партия кенгаши раиси Муҳаммадали ИСОҚОВ қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ва унинг тасарруфидаги шаҳар ва туман кенгашлари ҳузурида 20 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатиб келяпти. Жорий йилнинг 1 июнига қадар қабулхоналаримизга 576 та ариза ва мурожаатлар тушди. Уларда асосан коммунал соҳа, ер олиш, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий масалалар бўйича амалий ёрдам сўралган. Моддий ёрдам сўраб ёзилган аризалар ўтган ойлар мобайнида тегишли идоралар, ҳомийлар ёрдамида тўлиқ қондирилди. Қолган мурожаатларнинг 73 фоиздан кўпи ижобий ҳал этилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган бу каби ижобий ишларда Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти, юқорида таъкидлаганимиздек, жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, Қувасой шаҳридаги У.Юсупов номли маҳаллада яшовчи 12 та кам таъминланган оила фарзандларини ишга жойлаштириш борасида ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Уларнинг мурожаатлари партиямиздан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Иброҳимжон Абдуллаев кўмагида ижобий ҳал этилди. Бувайда туман партия кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасига Янгиқўрғон маҳалласига тоза ичимлик суви олиб келиш масаласида ёрдам сўраб қилинган ариза ўрганилиб, туман партия кенгаши раиси, депутат Ҳабибахон Тошматова ташаббуси билан ушбу масала халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилди.

Эндиликда асосий эътиборни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналарининг бевосита маҳаллаларда таянч пунктларини ташкил этишга қаратаяпмиз. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш, уларга манзилли моддий ва маънавий кўмак бериш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашда маҳаллалар билан ҳамкорлик ўрнатиш жуда яхши натижа бераяпти.

ЎзХДП электорат манфаатини ҳимоя этишни такомиллаштириш, Дастуримизда белгиланган вазифаларни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этиш борасида ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Бу ишларни амалга оширишда Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамиятга эгалигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Фан ва ҳаёт

ТАРМОҚНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИ

ЁКИ ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари узоқ йиллардан буён кўпгина ўсимликлар қатори, пахтачилик соҳасида ҳам изланишлар олиб боришади. Шу боис ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ана шу соҳанинг ривож топиши, ҳосилдор, касалликларга чидамли кўпдан-кўп ғўза навларининг яратилишига эришилган. Бугунги кунда янада кўплаб изланишлар, самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, миллий ғўза генофондини бойитиш, ғўза навларининг генетик потенциалини кенгайтириш ва бошқа илмий изланишлар натижасида нафақат республикамиз, балки дунё фани, пахтачилик соҳасининг ривожланишига улкан ҳисса қўшилмоқда. Қуйидаги суҳбатимизда институтнинг ғўза сестиматика ва интрадукция лабораторияси мудири, академик Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ билан ғўза миллий генофондининг тарихи, бугуни ва эртанги истиқболлари хусусида сўз боради.

– Домла, ўзингизга маълум, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик тармоғида пахтачилик асосий экин тури ҳисобланади. Айтиш мумкинки, ўзбек пахтасининг ўрни, мавқеи – жаҳонда маълуму машҳур эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис яратилган ғўза навлари, уларнинг пахтачилик соҳасидаги ўрни хусусида гапирсангиз?

— Аввало шуни таъкидлаш керакки, ғўза — дунёда энг қадимий маданий ўсимликлардан бўлиб, минглаб йиллар давомида юздан зиёд мамлакатларда экилиб келинади. Бу ўсимлик фақатгина тўқимачилик саноати учунгина эмас, балки озиқ-овқат ҳамда стратегик ва бошқа юздан зиёд йўналишлар учун хизмат қилади. Айниқса, бизнинг республикамиз учун муҳим иқтисодий аҳамиятга молик. Дунё пахтачилигида мамлакатимиз хомашё тайёрлаш бўйича бешинчи ва тола экспорти бўйича иккинчи ўринни эгаллайди.

Республикамиз ғўза экадиган дунёдаги давлатлар орасида энг шимолий минтақада жойлашгани учун, асрлар мобайнида фундаментал фан ва селекция, уруғликни экспериментал изланишлар асосида эволюцион назарияга боғлаган ҳолда олиб бориш йўллари билан энг тезпишар навлар яратилиб, улар ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди. Масалан, ўтган XX аср бошларида келтирилган ва экилган (АҚШ, Миср ва бошқа давлатлардан) ғўза навлари бизнинг шароитимизга у қадар мос келмас ва уларнинг пишиб етилиши учун 200 ва бундан ҳам зиёдроқ кунлар талаб қилинар эди. Йил охирида очилмаган кўсакларни уйларда чувиб пахта топширар эдик. Ҳозир ана шу мисолдан ҳам маълумки, ғўза устида олиб борилган фундаментал изланишлар натижасида бугунги ҳудудлаштирилган ғўза навлари 110 кундан тортиб, 130-140 кун ичидаёқ пишиб етилмоқда.

Илмий изланишларимизнинг ютуқларидан яна бири, Украина олимларининг сўровларига биноан мустақиллигимизнинг илк даврида, аниқроғи, 1993 йили пахтачилик тарихида энг тезпишар ғўза нави «АН-Чиллаки»ни ҳатто украинанинг Херсон ва Николаев вилоятларида экиб, ана шу ернинг ўзида селекция ишлари амалга оширилиши натижасида чидамли, ҳосилдор ғўза нави яратилишига эришилганди. Уларнинг кўсак очилиш даври 100-110 кунга тўғри келган.

– Ҳақиқатдан ҳам деҳқонларимиз учун тезпишар, касалликларга чидамли ҳамда ҳосилдор ғўза навлари яратиш ҳамма пайтларда ҳам энг муҳим масалалардан бўлиб келган. Шундай экан, ғўза генофондининг бойитилиб бориши ва бу борадаги ютуқ ҳамда муаммолар ҳақида нима дея оласиз?

— Сўнгги йиллар илмий натижалари шуни тақозо қилмоқдаки, ўтган асрнинг бошларида Г.С.Зайцев ва бошқа дунёга машҳур олимлар томонидан аниқланган ғўза ўсимлигининг ўсиш ва ривожланишидаги қисқа ва узун муддатда гуллаш даври ҳамда кўсакларнинг очилишидан ташқари, хўжалик учун муҳим бўлган қонуниятлари ҳам топилди. Бу ҳам бўлса, ғўзанинг нафақат вегитацион даври, балки кўсакларнинг очилиш тезлигига қараб, тезпишар ёки кечпишарлигини ҳам кўрсаткич қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, дунёга машҳур Н.И.Вавилов ва Ф.М.Мауерлар томонидан асосланган ғўзанинг дунё коллекциясини Ўзбекистонда яратиш ва бу коллекциянинг бойлиги ҳамда хилма-хилликлари билан бошқа коллекциялардан юқори туришини таъминлаш мақсадида шундай генофонд сақланиб келинмоқда. Айни пайтда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида сақланаётган мазкур коллекциянинг асосий қисми, наинки ўзимизда, балки ер юзидаги пахта экувчи мамлакатларда, шу жумладан, АҚШда ҳам ўхшаши йўқ. Ушбу коллекция 2005 йилдан бошлаб, Ўзбекистоннинг ноёб илмий объектлари рўйхатига киритилган. Ҳозирги кунда ғўза генофонди (ёввойи, рудерал, маданий тропик ва субтропик) хилма-хиллик жиҳатидан дунёда етук ўринда ҳисобланиб, Халқаро қўмита ЮНЕСКО, (ФАО) томонидан рўйхатга олинган.

Коллекция ўз ичига ёввойи диплоид (икки пуштли) ва тетрапоид (тўрт пуштли) турлар (хилма-хилликлар)дан иборат ва 45 дан ортиқ тур, 7 мингдан зиёд маданий ғўза нусхаларидан иборат. Бу турлар ва коллекцион нусхалар дунёнинг ҳамма қитъаларидаги юздан ортиқ мамлакатларида ҳамда турлар ичидан (улар орасида дурагайлаб олинган ноёб синтетик формалар) ҳаётчан ҳолда сақланиб, ғўза устида олиб борилаётган фундаментал изланишлар ва навлар яратишнинг асосий манбаи бўлиб ишлатилмоқда.

– Пахтачиликни ривожлантириш борасида ўтган асрнинг ўрталарида «вилт» касаллиги муаммоси вужудга келганди. Ана шу муаммонинг ечими қандай ҳал қилинганди?

— Ҳақиқатан ҳам ғўза навларини «вилт» касаллигидан асраш — энг оғир муаммоларни келтириб чиқаргани ҳамон ёдимизда.

1959 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарорига биноан республика пахтачилигини ривожлантириш учун қандай тадбирлар зарурлиги ва кенг тарқалган замбуруғ вертициллез, яъни вилт-сўлиш касаллигига қарши курашни кучайтириш кўзда тутилди. Шу муносабат билан ЎзФА ва бошқа пахтачилик билан банд бўлган илмий ташкилотлар зиммасига вилт касаллигига қарши тадбирларни ишлаб чиқиш муаммоси юклатилди.

Академик Саодат Содиқов раҳбарлигида шогирдлари машҳур селекционер, академик Содиқ Мираҳмедов ва бошқалар томонидан вилтга чидамли «Тошкент» ғўза нави яратилиб, 1970-1982 йилларга қадар мингминг гектар майдонларга экила бошланди. Натижада бешинчи нав алмаштириши амалга оширилиб, ҳар йили ҳосилга бир миллион тоннага яқин ҳосил қўшила борди. Бу ютуқни ғўза экадиган ва вилт муаммосига дуч келган давлатлар ҳам тезлик билан қўллай бошладилар.

Умуман айтганда, ғўзанинг ҳосил бериш қобилияти генетик потенциалига боғлиқ бўлиб, бу асосий белги бир неча ген комплексларига боғлиқ. Комплекслар кераклича шароит мавжуд бўлгандагина ўз самарасини бериши мумкин. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдикки, ўсимлик талаблари тўлиқ қониқтирилганда ўртапишар ғўза навлар 80 центнергача ҳосил бериши мумкин. Бу кўрсатгич албатта, гидропоника шароитида аниқланган. Лекин бундай идеал шароитни дала шароитида ташкил қилиш жуда мушкул. Аммо, ишлаб чиқаришда ғўза нави табиати ҳисобга олиниб, унинг талабини вақтида амалга ошираётган деҳқон-фермерлар ҳозир ҳам 45-55 центнергача ҳосил олишлари бор гап.

Суратда: академик Абдумавлон Абдуллаев ҳамкасблари билан янги ғўза навларини кўздан кечиришмоқда

– Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ғўза генетик ва селекционер олимлари олдида қандай вазифалар кўндаланг турибди, деб ўйлайсиз?

— Ҳозирги кунда ғўза туркуми орасидан соҳа олимларимиз томонидан бир неча истиқболли (ёввойи, рудерал, маданий-тропик) формалар, кенжа турлар ва турлар ажратиб олиниб, уларнинг вилтга, ўргимчак канага, ширага, умуман турли касаллик ва ҳашаротларга, шунингдек, шўрхоқлик ҳамда сув танқислиги шароитларига бардошлилик даражаси чуқур ўрганилмоқда. Юқори ҳосилдор, тезпишар, сермой, баргини табиий тўкиш хусусиятига эга ва тола технологик кўрсаткичлари юқори ғўза туркумларига экспериментал шароитда баҳо бериб, уларни селекция ишида донор сифатида ишлатишга тавсия этишмоқда.

Шуни айтиш керакки, йиллар давомида мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган ва минглаб гектар пахта майдонларида экилиб, яхши ҳосил олиниб келинаётган «Тошкент-1», «Тошкент-6», «АН-513», «АН-514», «Кўпайсин», «АН-512-У», «АН-515», «Боёвут-2», «С-6524», «Гулбаҳор», «Армуғон», «Бухоро-6», «Бухоро-102», «Денов», «Наманган-77», «Навбаҳор», «Водий-28» каби серҳосил ва истиқболли ғўза навлари йиллар давомида ғўза генетикаси устида олиб борилган изланишлар самарасидир. Ўз навбатида ана шу навлар нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг кўплаб юртларида ҳам экилмоқда ва ўзининг ижобий хусусиятларини кўрсатмоқда. Шу ўринда яна бир гапни алоҳида айтишим керак: ***бугунги кунда дунёда пахтачилик ўзбек генофонди ягона ва бой. Бунга эса шахсан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг амалий кўмаклари, доимий эътибори ва қўллаб-қувватлашлари туфайли эришилди.*** Ўйлайманки, мустақиллигимизнинг энг катта ютуқларидан бири ҳам миллий ғўза генофондининг сақлаб қолиниши ва уни ривожлантириш учун кўрсатилаётган ғамхўрликдир. Зеро, сўнгги 15-20 йил ичида дунёнинг айрим давлатларида бу соҳага етарли эътибор бўлмаганлиги боис, ғўза уруғчилигига оид тадқиқотлар олиб бориш бир қадар оқсаб қолган.

Минг шукрки, юртимизда бу борадаги хайрли ишларга ҳамиша жуда катта ёрдам ва ғамхўрлик қилинади. Хусусан, шу йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари танловида иштирок этишга лойиқ деб Республика ФА Генетика ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг «Ғўзанинг «Gossypium» тури генофондининг фундаментал тадқиқотлари» мавзуидаги иш қўйилганлигининг ўзи ҳам ана шу соҳага нечоғли катта эътибордан даракдир. Биз, олимлардан эса ўзбек пахтачилигини тобора ривожлантириш учун янада тезпишар, толаси мустаҳкам ва юқори кўрсаткичли, яъни мўл ҳосилни ҳамда генетик имкониятлари баланд ғўза навларини яратиш талаб этилиши, табиий.

Суҳбатдош:
Абдурасул ЖУМАҚУЛ.

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

Мамлакатимизда энг азиз, энг улуғ байрамимиз — Истиқлолимизнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда мустақиллик тенгдошлари — 16 ёшга тўлган йигит-қизлар ҳам балоғат остонасига қадам қўйди. Жойларда уларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилмоқда.

Бундай тадбирлар Фарғона вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, бугунга қадар шаҳар ва туманлардаги 16 ёшга тўлган 60 минг нафарга яқин йигит-қиз фуқаролик паспортига эга бўлди.

— Паспорт олиб, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлган кунимиз бир умр эсимиздан чиқмайди, — дейди Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежининг талабаси Гулмира Миролимова. — Ушбу паспорт нафақат бизнинг шахсимизни тасдиқловчи ҳужжат, балки ҳар биримизнинг ғуруримиз, фахру ифтихоримиз ҳамдир.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Тадбир

МИЛЛИЙЛИК МЕЗОНИ

Манбаларда қайд этилишича, ўзбек миллий қўшиқчилиги XIX аср охири — XX аср бошларида асосан тўрт йўналишда: Хоразм, Бухоро — Самарқанд, Фарғона — Тошкент, Сурхондарё — Қашқадарё йўлларида ривожланган. Ана шу йўналишлар ичида энг сўнгги ва замонавийси — ўзбек эстрада қўшиқчилигининг мустақиллик йилларида тобора ривожланиб, янги уфқларга кўтарилиши учун бугун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, айни пайтда юртимизда миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида эса таниқли санъат арбоблари, шоирёзувчилар ва мутахассислар иш олиб бормоқдалар.

Яқинда пойтахтимиздаги Марказий зобитлар уйида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб «Миллий эстрада қўшиқчилиги истиқболлари» мавзуида маънавий-мусиқий тадбир ўтказилди. Уни Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши республика Маънавият тарғибот, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этди. Унда иштирокчилар эстрада санъати соҳасида эришилаётган ютуқлар, шу билан бирга юзага келган айрим муаммолар хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Шунингдек, санъатимизни янада ривожлантириш, камчиликларни бартараф этиш борасида аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Олтиариқ тумани «Матлуботсавдо» акционерлик жамияти Россиянинг Новосибирск шаҳрига дастлабки сархил мевалар экспортини амалга оширди.

РИШТАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Томонлар келишувига кўра Олтиариқ заминида етиштирилган мева-забзавот, полиз ва узум маҳсулотлари россиялик мижозларга етказиб берилади. Бу ерда маҳсулотларни саралаш, махсус идишларга жойлаб жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча шарт-шароитлар ҳозирланди.

— Айни кунда Россия федерациясининг Омск, Томск, Новосибирск, Орск шаҳридаги ҳамкорлар билан 23 миллион 130 минг 500 АҚШ долларига тенг контрактация шартномалари тузилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини амалга ошириш борасида амалий ишлар бошлаб юборилган, — дейди Фарғона вилояти «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси раиси Алишер Пўлатов.

Расул КАМОЛ,
«Туркистон-пресс».

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 11,14,18,21,25,28 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилган:

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 92-уйда сақланаётган, банкрот деб эътироф этилган «Мидас Оир» масъулияти чекланган жамиятининг двигатель рақами 947571, кузов рақами XWB3L31BD5A 194906 бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами бўлмаган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 8 996 529 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотекабанки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16«А»-уйда ўтказилади.
Телефон: 133-02-49.

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:

Бош бухгалтер	Ҳисоб-китоб бўйича бухгалтер	Бухгалтер-иқтисодчи	Кадрлар бўлими бошлиғи	Электр механик
иш стажи — камида 10 йил; маош — 400 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 10 йил маош — 500 000 сўм.

Маълумот учун телефонлар: 187-17-11, 150-01-11, 57-29-74, 58-85-60.
Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак: 150-01-11, 57-29-74.
E-mail: CHERMETGROUP@POSTBOX.UZ

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 14, 18, 21, 25, 28 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 2-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Сувсоз» давлат унитар корхонасига қарашли, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 196 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 3 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, М.Мирпўлатов кўчаси, 57-уйда жойлашган «3-Автобус саройи» ОАЖга қарашли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AS 268 бўлган «УАЗ-31602» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 4 200 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.
Телефон: 133-02-49.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИЛМАЙДИ

Покистон президенти Парвез Мушарраф мамлакатда фавқулодда ҳолатни жорий этишдан воз кечган. Ҳукумат юқори мансабдорларидан бирининг AFP агентлигига маълум қилишича, Мушарраф аввал бошданоқ алоҳида режим жорий этилишига қарши бўлган. Бироқ, унинг сиёсий маслаҳатчилари фавқулодда ҳолатни жорий этиш мамлакат «хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлигига бўлаётган таҳдидлар» билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга имкон беради, деган фикрда.

ТАНГЛИК БОИС ҚАРЗ ОЛИШЛАРИГА ТЎҒРИ КЕЛДИ

Европа Марказий банки банкларга 94,8 миллиард евро (130,3 миллиард доллар) миқдоридаги кредитларни ажратди. Бу АҚШдаги ипотека танглиги туфайли банкларараро кредитлаш бўйича фоиз ставкаларининг сезиларли ўсганлиги билан боғлиқ. Европадаги қисқа муддатли кредит қиймати 4 дан 4,7 фоизга қадар ошган. Долларлардаги кредит ҳам 5,35 дан 5,86 фоизга қимматлашди. Шу боис Европа Марказий банкининг тўрт фоизлик қайд этилган ставка бўйича кредит олиш юзасидан келиб тушган жами 49 та аризани қондириш мақсадида захира маблағларини жалб этишига тўғри келди.



Европа Марказий банкининг банк тизимига бундай кенг кўламдаги аралашуви охирги марта 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳуружидан сўнг амалга оширилганди. Ушанда банк бир кунда 69,3 миллиард евро, 13 сентябрда эса яна 40,5 миллиард евро кредитлар ажратганди.

АФСОНАВИЙ КИНОСТУДИЯГА ЎТ КЕТДИ

Римдаги жаҳонга машҳур «Чинечитта» киностудиясида кучли ёнғин рўй берган. Жабр кўрганлар ҳақида хабар йўқ. Ёнғин фильмлар учун декорациялар сақланаётган омбордан чиққан. Умумий майдони икки минг квадрат метр бўлган ангар бутунлай ёниб кетган. Пойтахт ёнғинга қарши хизматининг бошлиғи Гвидо Паризининг айтишича, киностудия ҳудудида ёғочлар ва синтетик материаллар ёнаётганлиги боис аланга 30-40 метр баландликка кўтарилган. Шуни айтиш керакки, киностудия шу йил апрелида 70 ёшга тўлганди.

ҒАЙРИОДДИЙ КИШИЛАР АНЖУМАНИ

Келаси йили Испаниянинг Уэрта-дель-Рей қишлоғида дунёда илк марта ғайриоддий исмли кишиларнинг анжумани бўлиб ўтади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Унинг бу қишлоқда ўтказилишининг асосий сабаби — Уэрта-дель-Рейда бир хил исмли кишиларнинг ҳаттоки қариндошлари орасида ҳам жуда кўп учрашидир. Қарийб минг кишилик мазкур қишлоқ аҳолисининг уч юз нафари Сицилий, Геронид, Бургундонфора ёки Филогоний номини олган. Бу ҳолат эса табиийки кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Анжуман ташкилотчиси Хосе Анхель Себастианнинг сўзларига кўра, уни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳаддан ортиқ отдошликка чек қўйишдан иборат.

ТЎҚСОН ЁШИДА ФАРЗАНДЛИ БЎЛДИ

Ҳиндистоннинг Ражастхон штатида яшовчи тўқсон ёшли деҳқон Нану Рам Жоги фарзандли бўлди. Унинг тўртинчи хотини — ўттиз ёшли Сагури эрига қизалоқ ҳадя қилди. Тўққиз фарзанднинг отаси бўлган Нану Рамнинг сўзларига кўра, бу ёшда фарзандли бўлишига туя сутини мунтазам истеъмол қилгани фойда берган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, туя сути инсон соғлиғи учун жуда фойдали бўлиб, тана аъзолари фаолиятини яхшилайди.

...ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Ирокдаги одам ўғрилари пул ундиришнинг янги усулини топишди. Улар қўлга тушиб қолмаслик мақсадида хат ташувчи кабутарлардан кенг фойдаланишмоқда. Мамлакат полицияси кабутарларнинг парвозини кузатишга ожиз. Уларнинг баъзилари ҳар бир оёғида 70 граммгача «юк»ни кўтаришга қодир. Одам ўғрилари ўзлари гароврда ушлаб турган жабрдийда хонадонлари эшиклари олдида кабутарларни қолдириб кетишмоқда. Жиноятчилар ташлаб кетаётган йўриқномада эса ўғирлаб кетилганлар оиласига кабутар оёғига пулни боғлаб учириб юборишни буюришмоқда. Шундан сўнг кабутар жиноятчилар маконига қайтиши лозим.

Кўнгил мулки

БУҒДОЙ СЎЗИМ

Ўзбекистон далалари турар ёниб,
Тандир-тандир нон тўкади қучоғидан.
Буғдойзорлар товланади олтинланиб,
Нонинг иси келар ҳар бир бошоғидан.

Ўзбекистон қаддин тутар кўнгли тўлиб,
Улуғ элнинг бус-бутундир бугун нони.
Оқ яктакли деҳқон келар қўнжи тўлиб,
Чумолидай елкасига ортган донин.

Ўзбекистон, айланайин, буғдой юртим,
Сенинг азиз тупроғингни нондай ўпай.
Осмондаги қуёш каби нонни уздим,
Сават тўла қуёшларни Сизга тутай.

Ўзбекистон — меҳнаткашим отам менинг,
Буғдойзорга меҳр қўйиб, ёз-қишлаган.
Ўзбекистон сахийликда Ҳотам Менинг
Шеъримдаги буғдой сўзим олқишлаган!

Дилбар ҲАЙДАРОВА.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Заковат қоронғу тундаги
машъал кабидир.
Билим эса нур таратувчи
ёруғликдир.

✧✧✧

Ақл-заковатсиз одамнинг нишонаси қандай бўлади, — дейсанми? Айтайин, ақл-заковатсиз одам ҳамма нарсадан бебаҳра бўлади.

✧✧✧

Қадр-қиммат ва иззат-эътибор билим туфайлидир, заковатдандир. Билимсиз, заковатсиз кишининг бир кафт тупроқча ҳам қиммати йўқдир.

✧✧✧

Кимда заковат бўлса, ўша асил одам бўлади, кимда билим бўлса, у мартабага эришади.

Юсуф хос ҲОЖИБ.
(«Қутадғу билиг»дан)

Биласизми?

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

Йоднинг кашф қилинишига оддий уй мушуги сабаб бўлган экан. Қандай қилиб дейсизми? У селитра ишлаб чиқариладиган заводда тасодифан олтингугурт кислотаси солинган банкани туртиб юборади. Кислота тўкилган жойда ҳосил бўлган қоришмадан бинафшаранг буғ чиқади. Ҳосил бўлган қолдиқ эса йод моддаси эди. Дарвоқе, қахрамон мушук соғ-саломат қолган.

✧ ¤ ✧

Индиго нималигини биласизми? Карл Хейманн деган олим ҳашаротларни ўлдириш учун ишлатган нафталин моддаси ҳамда тасодифан синган термометрдан симоб моддаси тўкилиб, қоришма ҳосил бўлган. Шундай қилиб, жинси матоси учун ишлатиладиган бўёқ — индиго кашф қилинган экан.

✧ ¤ ✧

Биз Менделеевнинг тушида кимёвий моддалар жадвалини кашф қилганини яхши биламиз. Шунингдек, бошқа бир кимёгар олим Кекул ҳам креслосида мудраб ўтирганида бензол формуласини кашф қилган экан.

✧ ¤ ✧

Граф Сендвич ўта қиморбоз бўлиб, овқат маҳали ҳам қарта столидан турмасди. Унинг хизматкорлари овқатни шу столга олиб келишга мажбур эдилар. Бутерброд қарталарни булғамаслигини ўйлаб ва уларни олиб келиш осон бўлиши учун бирбирига ёпиштириб келтиришарди. Бу эса замонавий сендвичнинг худди ўзи эканлиги кейинчалик аниқланган.

Моҳинур ҚОДИРОВА, тайёрлади.

Соғинч

Биз катталарни турмуш ташвишлари-ю икир-чикирлари ўз гирдобига тортиб, дилимизни хира қилган чоғларда, болалик хотиралари бир лаҳза бўлса-да, беғалва дамларга ошно этади. Юзимизга табассум югуриб, кўнглимизда унут бўлаёзган ширин хотиралар бир сония кўриниш беради. Мен эса сизга бир дўстимнинг нурли хотиралари битилган дафтаридаги ушбу ёзувларни ҳавола қилмоққа жазм этдим.

БОЛАЛИКНИНГ СУРАТИ

✧✧✧

...Ҳар кимнинг болалиги турлича кечади. Кимникидир бекаму-кўст, бошқа бировники эса оғирроқ. Буни ҳаёт тарозиси, дейдилар. Гоҳ оғир, гоҳ енгил тош босади.

Ҳар гал енгил шабада хурмо дарахтининг новдаларини оҳиста аллалаётган чоғларда, дадамнинг эрта баҳорда ҳовлимиз боғига менга атаб, «шу дарахт сеники, уни яхшилаб парваришла», деб хурмо экканлари ёдимга тушади... **Менинг биринчи дарахтим!**

Илк бор елкамга портфель тақиб, мактабга ҳаяжон билан қадам қўйганим. Биринчи ўқитувчимга ҳам ҳавасла, ҳам ҳадик-ла тикилганим... «Алифбе» китобининг рангли муқовасини меҳр билан силаб, унинг ранг-баранг суратлар туширилган, катта-катта қора ҳарфлар босилган саҳифаларини соатлаб томоша қилганим. Ва... илк «икки» баҳойим учун йиғлаганим ва биринчи бор «беш» олган кунимдаги қувончим. Гоҳи эрталаблари туришга эриниб «мактабга бормайман» деб қилган ҳархашаларим... Йиртиқ ботинкам учун синфдошларим олдида қизарганим... **Илк уятим!**



Болалигимнинг чанг кўчалари узоқ-узоқларда қолиб кетди. Ойим, кичкина чақалоқчани олиб келиб, «бу укани билмай мен ҳам кўрпага бурканиб, яширинча йиғлаганим...

Дадамнинг уйга қайтишларини сўраб, ҳар кеча худога ёлворганим... ва энди дадамнинг ҳеч қачон уйга қайтмасликларини мурғак кўнглим тушуниб, чанг» деганларида ҳайратланганим. Унинг жажжи қўлчаларига, ингалашига ажабланганим... **Илк ҳайратим!**

Кейин бирдан дадам уйга келмай қўйганлари ва бизнинг ёлғиз қолганимиз!!! Ярим тунда аллакимнинг аянчли йиғисидан уйғониб, нима қиларимни билмай, бир зумда ёш болакайдан катта одамга айланиб қолганим... Болалигимнинг аччиқ хотиралари!.. **Илк ғамим!..**

Юзларида сепкиллари бир дунё синфдош қизнинг қора кўзларига ўзгача нигоҳ ташлаганим... Бу **биринчи муҳаббатим!..** Унинг сепкиллари ўзига шу қадар ярашарди-ки, назаримда дунёда ундан-да хушрўйроқ қиз йўқдек эди. Эндигина институтни тугатиб келган жисмоний тарбия ўқитувчисидан уни тентакларча рашк қилганим. **Илк ҳақиқий йигитлик рашким!..**

Мактабни битириб, қадрдон синфдошларим, сирдош дўстларим билан хайрлашув куни... **Илк айрилиқ ҳижронлари!..**

Ҳар йил Янги йил байрамида мазали мандаринларни кутганим... Назаримда, шу байрамда, оламнинг ҳеч бир хушбўй ифори тенглаша олмайдиган ўзгача туйғу мени болаликка, ортга қайтаради. Болалигимнинг ўчмас чироқлари липиллаб ёниб, ҳаёт йўлларимни ёритиб тургандек...

Болалик суратлари... Ойимнинг сандиқларидаги тугунга ўралган кичкина шимчаларим, ҳаттоки, пайпоқларим, дадам туғилган кунимда олиб берган матросча костюмим... ўзимча, денгизларда тўфон билан курашардим... **ширин саробга айланган армоним...**

Кунлар ўтиб оила, иш қувончлари ва ташвишлари гирдобига чўкиб кетганим, болаликдан қачон узоқлашганимни сезмай қолганим...

Болаликдаги беғуборликни соғинганларим... **Қанийди болалигим бир кунга бўлса-да қайтсайди деган армонларим...**

Болалигим соғинчини жажжи қўлчалари билан менга талпинаётган ўғлимда кўраман. **Ичичимдан бир шукроналикни туяман...**

Гўзал АҲАДОВА.

Мулоҳаза

БИРОВНИНГ ДАБДАБАЛИ ТЎЙИ

АЙРИМЛАР УЧУН ПУЛ ТОПИШ МАНБАИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАНИ ВА БУНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳозирда турли саналарни нишонлаш, айниқса 50-60 йиллик таваллуд кунларни ўтказиш русумга кирган. Эл-юрт учун озми-кўпми хизмат қилган инсоннинг шундай кунда дўст-ёронларини тўплаб, ош беришининг нимаси ёмон дерсиз. Йўқ, бунга мутлақо эътирозимиз йўқ. Бундай кунда қуюшқондан чиқиш, ортиқча дабдабабозликка ҳам чидаш мумкин. Аммо, қачонки шу дабдаба ичкарида қолса. Акс ҳолда...

Урганч шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Мавлуда» студияси таниқли бир хонанданинг пойтахтдаги бир тўйхонада ўтказган юбилей тантанасини кўп нусхада мухлисларга тарқатди (сотди десак ўринли). Тантана ҳақиқатдан ҳам ўта юқори дид билан безатилган тўйхонада ўтказилган. Кутиб олишлар, гул тутишлар... йўқ, навбат кутиб зарҳал тўн кийгизишларнинг кети узилмайди.

Кейин бирин-кетин ҳамду-санолар бошланади. Хонанда шаънига айтилмаган гап қолмайди. Бу ёқда шогирдлар навбатига қўшиқ айтишяпти, раққосалар хиром қилишмоқда. Бир дақиқа... айнан рақҳосалар хиромми асносида нохуш бир ҳолат юзага чиқади. Энди тантанада қатнашаётганлар — дўст-ёрон, таниш-билиш, шогирдлар пул қистиришни бошлашади. Қистиришки адоғи йўқ. Ким ўзимизнинг миллий сўмимизни, кимдир эса димоғдорлик билан океан орти валютасини...

Юртбошимизнинг тўй-томоша, маърака-маросимларни ортиқча чиқим, дабдабасиз ўтказиш ҳақидаги Фармонидан сўнг юртимизда бу борада кўп ишлар қилинди — тўйлар тартибга тушди, ортиқча чиқим, ҳашам, дабдабалар унутилди... «Унутилди» деяпмизу... эл севган қўшиқчи унутмаган экан-да. Яна бир ортиқча дабдабанинг дискларга олиниб, кўп нусхада тарқатилаётганига нима дейсиз? Ёшлар онгини хорижнинг беҳаё фильмлари билан заҳарлашдан қуюнамизу, эсини таниган (каттагина санасини нишонлаётган) хонанданинг бу ортиқча қилиғига нима деймиз?

...Сотилаётган дабдабадан балки қўшиқчи бехабардир, бу ишни тасвир ёзиш-тарқатиш билан бойлик орттираётган тадбиркорлар қилишаётгандир, деб ўйловдик. Аммо студия раҳбари билан мулоқотимиздан маълум бўлдики, шу тантанани кўп нусхада тарқатиш учун қўшиқчининг розилиги, бунинг устига гонорари ҳам бор экан.

...Гап ҳозирда ёлғиз бир мисол ҳақида кетмаяпти. Сўнгги пайтда шундай турли хил юбилейларни тасвирга тушириб тарқатиш кенг русум бўлаётгани кишини ўйлантиради. Айнан шундай дабдабали тўйларни, пул сочишларни кўрган ўсмирлар, ёшлар онгида бу иллатларга мойиллик уйғонмайдими?..

Фикри ожизимизча, айнан шундай тантанани тасвирга тушириб, кўп нусхада тарқатишга аввало тўй эгаси розилик бермаслиги керак. Бу оила ва дўстлар даврасида кўриладиган тадбир-ку! Бу билан қўшиқчининг обрўси ҳам ошиб кетмайди. Аксинча, сотилаётган дабдаба, манманлик, пул олдида санъаткорларнинг ожизлигини кўрсатади.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хотира

28 ЙИЛЛИК АРМОН

1979 йил 11 август... Ўзбек футболи учун қайғули кун — соат 13 дан 35 дақиқа ўтганида «Тошкент — Гурьев — Донецк — Минск» йўналишида 65816 рейси билан учиб бораётган ҳаво лайнери 8400 метр баландликда «Челябинск — Кишинёв» маршрутидаги 65735 рақамли рейсдаги бошқа бир самолёт билан тўқнашди. Даҳшатли авиаҳалокат иккала самолётдаги 178 йўловчи ҳамда экипаж аъзоларининг ҳаётига зомин бўлди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, улар орасида севимли футбол жамоамиз «Пахтакор»нинг 17 нафар ўйинчи ва мураббийлари ҳам бор эди.

Ўз даврида миллионлар меҳрини қозонган, маҳорат бобида «Спартак» (Москва), «Динамо» (Киев), «Шахтёр» (Донецк), «Динамо» (Тбилиси) каби машҳур жамоалар билан тенгма-тенг баҳслаша олган ана шундай жамоамизнинг ҳалокатга учраганига бугун роппа-роса йигирма саккиз йил тўлади. Орадан шунча вақт ўтган бўлсада, уларнинг ёркин ва ўчмас хотираси қалбимизда. Ўша аламли кун тафсилотлари қайта-қайта ёдга тушаверади. «Пахтакор»ни билган, унинг моҳир футболчилари билан суҳбат қурган, пахтакорчилар кўрсатган жозибали ўйинлардан баҳраманд бўлган кишилар қалбида «Пахтакор-79» бир умр яшайди!

Қалбларимизда армон бўлиб қолган пахтакорчиларнинг ёркин хотирасини абадийлаштириш, уларни эслаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳукуматимиз ва спорт жамоатчилигининг ташаббуси билан Тошкентдаги Боткин қабристонида улкан хотира мемориали қад кўтарган бўлса, «Пахтакор» Марказий стадионида «Хотира» ёдгорлиги бунёд этилган. Наманган шаҳридаги Марказий стадион ёнида эса «Сени унутмаймиз, «Пахтакор!» деб аталувчи музей-боғ очилди. Тошкент кўчаларига 17 пахтакорчи номи берилди, пойтахт вилоятидаги Тўйтепа шаҳарчасидаги стадион Олим Аширов номи билан юритилади. Сирожиддин Бозоров ҳамда Шуҳрат Эшбўтаевлар таълим олган мактаблар улар номи билан аталади. ЎФФ ҳамда «Пахтакор» жамоаси ташаббуси билан «Пахтакор-79» хотира совғини учун дастлаб республика миқёсида ташкил этила бошланган турнир ҳозирда халқаро миқёсда ўтказиб келинмоқда.

Шу кунларда «Пахтакор» Марказий стадионида ўтказилаётган халқаро хотира турнирида умидли ёшлардан ташкил топган саккиз жамоа ғолиблик учун тўп суришаётир. Улар орасида ҳамюртларимиздан ташқари «Цесна» (Олмаота, Қозоғистон), «Рубин» (Қозон, Россия), «Олга» (Бишкек, Қирғизистон), СДЮШОР (Ашгабад, Туркманистон) жамоалари бор. Ташкилотчиларнинг айтишларича, келаси йилдан бошлаб, турнир иштирокчилари қаторига «Спартак» (Москва), «Динамо» (Киев), «Шахтёр» (Донецк), «Зенит» (Санкт-Петербург) жамоалари ўринбосарлари ҳам қўшилиш истагини билдиришган.

Эркин ХОЛБОБО.

КУЛГУ ҲАМ ШИФО

Тулки ўлжани тутиб олди. Жўжа йиғлаб ёлворди:

— Тулки амаки, мени қўйиб юборсангиз, ҳузурингизга ота-онамни бошлаб келаман!...

Тулки унинг гапига ишониб, қўйиб юборди. Жўжа эса томга чиқиб олиб, қах-қаҳ отиб кулди:

— Гапимга ишондинг-а, аҳмоқ! Ахир менинг ота-онам йўқ, инкубаторда очиришган-ку!..

✧✧✧

Бир киши директор қабулига кириб деди:

— Сизга кадрлар бўлимига бошлиқ керакми?

— Йўқ!

— Унда нима қиласиз уни ушлаб ўтириб, бўшатворинг.

Газетамизнинг 4 август сонидаги изоҳсиз суратга жавоблар

«Алла айтсам ухлайсанми,
Туш кўришдан қўрқмайсанми?
Устингда ухлаб олсам,
Дўқ қилиб урмайсанми»?

Алписбой ИБАДУЛЛАЕВ, Нукус шаҳри.

✧✧✧

«Қани, ўзингизни бўш қўйинг-чи, вой-буй, ҳаммаёғингизни туз босиб кетибди-ку? Нима бало, нуқул дудланган сичқон ейсизми?»

Умрзоқ ҚОДИРОВ, талаба.

✧✧✧

Момиқвой, шамоллаб қолдингми? «Ринза» ичсанг, тез тузаласан».

Муратбой ЖАББАРБЕРГЕНОВ, Кегайли тумани.



✧✧✧

«Бир пас мизғиб олай, туш, ундан кўра боққа чиқиб, сичқон тутиб келақол, тушлик бўп қолди».

Моҳидил КОМИЛЖОН қизи, Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани.

✧✧✧

«Қушдай енгил бўлинг, хоним».

Шарофат ЭРГАШЕВА, Тошкент.

✧✧✧

«Яхши дам, меҳнатга ҳамдам».

Қиличбек ИСМОИЛОВ, Қува.

Қандай изоҳлайсиз?



Саҳифани Норқобил ЖАЛИЛ ва Кувондиқ СИДДИҚ тайёрлади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8253 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 00.30
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda